

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03.30.01.2020. Ped. 26.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ТОХТИЯРОВА ШАХНОЗА ЭРКИНОВНА

БОЛАЛАРДАГИ НУТҚ КАМЧИЛИКЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ
КОРРЕКЦИОН-ЛОГОПЕДИК ЖАРАЁНИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

13.00.03 – Махсус педагогика

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам
Contents of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
Pedagogical Sciences**

Тохтиярова Шахноза Эркиновна

Болалардаги нутқ камчиликларини бартараф этишнинг коррекцион-
логопедик жараёнини моделлаштириш..... **3**

Тохтиярова Шахноза Эркиновна

Моделирование коррекционно-логопедического процесса по
устранению нарушений речи у детей..... **26**

Tokhtiyarova Shakhnoza Erkinovna

Modeling of speech-language therapy process for treating speech-language
disorders in children..... **50**

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... **54**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03.30.01.2020. Ped. 26.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ТОХТИЯРОВА ШАХНОЗА ЭРКИНОВНА

БОЛАЛАРДАГИ НУТҚ КАМЧИЛИКЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ
КОРРЕКЦИОН-ЛОГОПЕДИК ЖАРАЁНИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

13.00.03 – Махсус педагогика

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация Комиссиясида В2020.2.PhD/Ped1693 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Муминова Лола Рахимовна**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Хакимова Муҳаббат Файзиевна**
педагогика фанлари доктори, профессор

Қодирова Ферузахон Усмановна
педагогика фанлари доктори (DSc), доцент

Етакчи ташкилот: **Жиззах давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03.30.01.2020. Ped. 26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «29» *декабр* соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+998) 71-276-79-11; факс: (+998) 71-276-80-86; e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (*1391* рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (+998) 71-276-75-87; факс: (+998) 71-276-80-86.

Диссертация автореферати 202_ йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2020 йил «__» _____ да _____ - рақамли реестр баённомаси).


Р.Х.Джураев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
п.ф.д., профессор


Р.Ҳ.Исаянов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
п.ф.н. доцент


Д.Д.Шарипова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш кўрсаткич илмий семинар
раиси ўринбосари, п.ф.д., профессор



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг қатор таълим муассасаларида имкониятлари чекланган болалардаги нутқ камчиликларини бартараф этишга коррекцион-логопедик таъсирни моделлаштириш механизмлари таълим жараёнига татбиқ этилган. АҚШнинг “Individuals with Disabilities Education Act” (IDEA, 1990), Буюк Британиянинг “Inclusive Schooling - Children with Special Educational Needs” (2001) қонун ҳужжатларга мувофиқ, таълим муассасалари ва маҳаллий таълим органларига инклюзив тизимни йўлга қўйиш ҳамда самарали амалга ошириш юзасидан махсус таълим хизматларини кўрсатиш тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Жаҳонда таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида нутқ нуқсонларига эга болаларни ўз вақтида аниқлаш, уларга кўрсатиладиган логопедик ёрдам таъсирини такомиллаштириш, нутқ нуқсонига эга болаларга логопедик ёрдам кўрсатишнинг моделлар самарадорлигини таққослаш, болаларда нутқ камчиликларини бартараф этиш технологияларини такомиллаштириш, мактабгача ёшдаги болаларга логопедик ёрдам кўрсатишнинг натижавийлигини ошириш, коррекцион-логопедик жараёнда ота-оналар иштирокини кенгайтириш бўйича илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Логопедик ёрдамни индивидуаллаштириш, режалаштириш ва натижаларини олдиндан прогнозлаш аниқлигини ошириш, мактаб таълимига муваффақиятли тайёрлаш жараёнида дифференциаллашган таълимни ташкил этишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириб бориш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикаимиз мактабгача таълим ташкилотларида таълим-тарбия жараёни сифатини янги даражага кўтариш, мазкур ташкилотларнинг давлат ва нодавлат тармоғини кенгайтириш, ривожланишида нуқсон бўлган болаларни инклюзив таълимга жалб қилиш кўламини ошириш, болаларнинг ижтимоийлашув имкониятларини таъминлаш, уларни ҳар томонлама ривожлантириш, мактабга тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашга қаратилган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ва моддий-техник базаси яратилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...мактабгача таълим ташкилотлари тармоғини кенгайтириш ва ушбу муассасаларда болаларнинг ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш, болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олинишини жиддий ошириш ва фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш»¹ устувор вазифа этиб белгиланди. Натижада, мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантириш, таълимнинг кейинги босқичига муваффақиятли ўтишини таъминлашга кенг шароитлар яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” фармони. 14-б. <https://lex.uz/pdfs/3107036>.

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 30 сентябрдаги ПФ-5198-сонли «Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 сентябрдаги ПҚ-3261-сонли «Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 30 сентябрдаги ПҚ-3955-сонли «Мактабгача таълим тизимини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлари; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июлдаги 528-сонли «Мактабгача таълим муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 13 майдаги 391-сонли «Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни ҳал этишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Болаларда учрайдиган нутқ нуқсонларининг билингвизм, фаол нутқ, фонетик-фонематик, нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги ва ёзма нутқ камчиликлари; жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсон бўлган болалар нутқий муаммоларининг айрим жиҳатлари Н.Абидова, Н.Мусаева, Д.Назарова, Д.Нуркелдиева, В.Рахмонова, Р.Рустамова, Н.Соседова, У.Файзиева, М.Хамидова, Р.Шомахмудова, Ф.Қодироваларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топган.

МДХ мамлакатларида умумий типдаги мактабгача таълим ташкилотларида коррекцион-логопедик ишни ташкил этиш О.М.Вершинина, Т.Г.Семёнова, Т.С.Овчинникова; нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар нутқини коррекциялаш А.Маркова, Г.Каше, О.Усанова; мактабгача ёшда турли нутқ нуқсонларини бартараф этиш Ж.Антипова, Т.Ахутина, В.Воробьева, Б.Гриншпун, В.Ковшиков, В.Виноградов, Е.Дроздова, Г.Жаренкова, Н.Жукова, А.Зикеев, К.Коровин, И.Колповская, А.Короткова, Р.Лалаева, Р.Левина, Е.Мастюкова, Н.Никашина, Е.Назарова, В.Орфинская, В.Соботович, Н.Серебрякова, Л.Спирова, Н.Трауготт, Т.Туманова, Т.Ушакова, Т.Филичева, Г.Чиркина, С.Шаховская, А.Ястребовалар тадқиқотларида ёритилган.

Жаҳонда мактабгача ёшдаги болалар нутқини ривожлантиришнинг илмий-методологик жиҳатлари Anne O'Hare, Chatgit E.Clarka, Edward G.Conturea, Tedra A.Walden, Warren E.Lambert, Sloane Burgess, Lisa Audet, Sanna Harjusola-Webbлар томонидан тадқиқ қилинган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар Марказининг «Мактабгача ва мактаб ёшидаги мураккаб

нуксонли болаларнинг дифференциал таълим-тарбия тизимини яратиш технологияси» мавзусидаги ёш олимлар амалий тадқиқотлар лойиҳаси (2015-2017 йй.) ҳамда Республика болалар ижтимоий мослашуви марказининг «Ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар ва уларнинг оилаларига Қашқадарё, Бухоро, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри мисолида манзилли мажмуавий ёрдам кўрсатиш механизмларини такомиллаштириш» мавзусидаги 2018-2020 йиллар учун мўлжалланган амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади болалардаги нутқ камчиликларини бартараф этишга коррекцион-логопедик таъсирни моделлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

умумий типдаги мактабгача таълим ташкилотларида логопедик ишларни ташкил этишнинг назарий ҳамда методик жиҳатларини фалсафий, педагогик-психологик жиҳатдан таҳлил этиш;

умумий типдаги мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчи болаларда учрайдиган нутқ нуксонларини логопедик скрининг методикаси орқали аниқлашни такомиллаштириш;

умумий типдаги мактабгача таълим ташкилотларидаги коррекцион-логопедик иш тизими моделини яратиш ва логопедик иш босқич, йўналиш, шакллари аниқлаштириш асосида манзилли ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш;

умумий типдаги мактабгача таълим ташкилоти шароитида болалардаги нутқ нуксонларини коррекциялашга доир илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти болалардаги нутқ камчиликларини бартараф этишга коррекцион-логопедик таъсирни моделлаштириш жараёни.

Тадқиқотнинг предмети болалардаги нутқ камчиликларини бартараф этиш коррекцион-логопедик жараёнини моделлаштириш шакллари, методлари ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тадқиқот мавзусига оид илғор педагогик тажрибаларни ўрганиш, социометрик методлар (кузатиш, суҳбат), коррекцион-педагогик тажриба-синов, унинг натижаларини математик ва статистик таҳлил этиш усулларидан (К.Пирсоннинг r -корреляция коэффиценти, Стъудентнинг t -мезонини ҳисоблаш) фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

умумий типдаги мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчи нутқида нуксони бўлган болаларни нуксон турига кўра текшириш методикалари логопедик скрининг бўйича саралаш ҳамда логопедик ташҳислаш инструментарийсини ўзаро мужассамлаштириш асосида такомиллаштирилган;

умумий типдаги мактабгача таълим ташкилотларида нутқида нуксони бўлган болаларнинг таълимий имкониятлари ота-оналар билан ишлаш жараёнларини моделлаштириш, коррекцион-логопедик таъсирнинг манзиллилигини таъминлаш асосида ривожлантирилган;

умумий типдаги мактабгача таълим ташкилотларида коррекцион-логопедик ёрдам ташкилотдаги таълимий-тарбиявий ишлар дастури билан

уйғунлаштирилиб, нутқий кўникмаларни нутқий мулоқот шароитида мустаҳкамлаш асосида такомиллаштирилган;

фонетик-фонематик ва нутқи тўлиқ ривожланмаган болалардаги нутқ камчиликларини бартараф этиш жараёни индивидуал коррекцион-логопедик иш режаси асосидаги машғулотлар комплексини бола нутқининг бузилиш шакли, даражаси ҳамда уларнинг нутқий имкониятларига дифференциал мослаштириш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

умумий типдаги мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари орасидан нутқ нуқсонига эга болаларни саралаб олишга қаратилган нутқни логопедик скрининг (саралаш) текшириш методикаси ишлаб чиқилган;

умумий типдаги мактабгача таълим ташкилотларида болаларнинг нутқ нуқсонлари, шакллари ва турларини таҳлил этиш асосида фонетик нутқ бузилишлари, фонетик-фонематик нутқ бузилишлари, нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар учун алоҳида нутқ хариталари ишлаб чиқилган;

умумий типдаги мактабгача таълим ташкилотларида коррекцион-логопедик ишни ташкил этишга қаратилган “Мактабгача ёшдаги нутқда нуқсон бўлган болалар билан коррекцион-ривожлантирувчи иш тизими экспериментал дастур”и ишлаб чиқилган;

умумий типдаги мактабгача таълим ташкилотларида логопедик ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган, илмий асосланган методик тавсиялар шакллантирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда фойдаланилган маълумотлар расмий манбалардан олингани, таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари математик-статистика методлари воситасида қайта ишлангани ва самарадорлигининг асослангани, хулоса, таклиф ва тавсиялар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти умумий типдаги мактабгача таълим ташкилотларида болаларда кузатиладиган нутқ камчиликларини текширишнинг янгиланган методикаси, тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган модель, дастур ва тавсиялар, методик ёндашувлардан “Логопедия”, “Психологик-педагогик диагностика”, “Нутқнинг онтогенезда ривожланиши”, “Логопедик технологиялар”, “Ривожланишида нуқсон бўлган болалар билан коррекцион логопедик иш” фанлари бўйича дастурлар, маъруза матнлари, ўқув қўлланмалари, дарсликларнинг мазмунини бойитишда, мактабгача таълим ташкилотларидаги логопедлар, дефектологларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказлари, олий таълим муассасаларининг тегишли йўналишларда таълим жараёни самарадорлигини оширишда, ўқув режа ва дастурларни такомиллаштириш, нутқда нуқсон бўлган болалар учун ўқув-методик тавсиялар тайёрлашга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти ишда қўлга киритилган натижалар умумий типдаги мактабгача таълим ташкилотларида болаларда кузатиладиган нутқ камчиликларини аниқлаш ва бартараф этишдаги коррекцион-логопедик иш

тизимини такомиллаштириш, логопед-дефектологларнинг иш фаолиятини самарали ташкил этиш, коррекцион иш режаларини тузиш ҳамда ота-оналарга методик ёрдам кўрсатишда муҳим қўлланма бўлиши мумкин. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган дидактик ресурслардан дефектологларни касбий қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида, умумтаълим мактабгача таълим муассасалари учун дастурларни тайёрлашда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болалардаги нутқ камчиликларини бартараф этишнинг коррекцион-логопедик жараёнини моделлаштиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

умумий типдаги мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчи болаларда нутқ нуқсонларини аниқлаш бўйича таклифлар “Психологик-педагогик диагностика” номли дарслик (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 12 мартдаги буйруғи, 455-сон гувоҳнома) мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 25 июндаги 89-02-2263-сон маълумотномаси). Натижада, умумий типдаги мактабгача таълим ташкилотларида нутқида нуқсонли бўлган болаларни ўз вақтида аниқлаш ва ташхислаш ишларининг самарадорлиги оширилган;

фонетик-фонематик нутқ камчилигига эга ва нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар билан индивидуал коррекцион машғулотларни ташкил этиш бўйича таклифлар “Мактабгача ва мактаб ёшидаги мураккаб нуқсонли болаларнинг дифференциал таълим-тарбия тизимини яратиш технологияси” мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 25 июндаги 89-02-2263-сон маълумотномаси). Натижада, умумий типдаги мактабгача таълим ташкилотларида нутқида нуқсонли бўлган болаларга коррекцион-логопедик ёрдам кўрсатиш самарадорлиги оширилган;

умумий типдаги мактабгача таълим ташкилотларида коррекцион-логопедик ёрдам ташкилотдаги таълимий-тарбиявий вазифалар билан уйғунлаштирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 25 июндаги 89-02-2263-сон маълумотномаси). Натижада, таълим ташкилотларида нутқида камчилиги бўлган болаларга манзилли ёрдам кўрсатиш самарадорлиги оширилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та республика ва 6 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 7 та, шундан, республика журналларида 5 та, хорижий журналларда 2 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 174 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, методлари аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Мактабгача ёшдаги нутқ нуқсонларига эга болалар билан амалга ошириладиган коррекцион-логопедик ишларнинг илмий-назарий ва методик асослари**» деб номланган биринчи бобида мактабгача ёшдаги нутқида нуқсони бўлган болаларни таълим-тарбиясини ташкил этиш юзасидан Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлили, болалар нутқида кузатиладиган нуқсонларни логопедик ташхисловчи методикалар, умумий типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотларида нутқида нуқсони бўлган болалар билан коррекцион-ривожлантирувчи ишни ташкил этиш шарт-шароитлари назарий жиҳатдан таҳлил қилинган.

АҚШ, Европа ва Осиё мамлакатларида мактабгача таълим тизимини тадқиқ этиш, нутқида нуқсони бўлган болалар умумий типдаги таълим ташкилотларида самарали таълим ва тарбия олишини ташкил этишнинг турли усуллари таҳлил қилиш имконини беради. Аксарият мамлакатларда, мактабгача таълим ташкилотларининг асосий функцияси тарбияланувчиларга ғамхўрлик қилиш бўлганлиги сабабли, мажбурий таълим босқичлари сафига киритилмаганлиги, мос таълимий дастурга эга эмаслиги ва таълим вазирликлари тасарруфига кирмаслиги аниқланди. Нутқида нуқсонига эга болаларни меъёрда ривожланувчи тенгдошлари муҳитига интеграциялаш муаммосига фақат ижтимоий даражада диққат қаратилиб, таълимий интеграцияси эътибордан четда қолиши белгиланди. Тадқиқот натижалари асосида катта мактабгача ёшдаги болаларни мактабдан олдинги тайёрловига ва болаларни тўлиқ интеграциясига катта урғу берилувчи Исроилда мактабгача таълим тизими энг ривожланган ва Ўзбекистон Республикасидаги мактабгача таълим тизимига тузилмавий жиҳатдан яқин бўлиб, умумий типдаги таълим ташкилотларида дефектологлар томонидан амалга ошириладиган коррекцион иш учун қўшимча соатлар кўзда тутилганлиги аниқланган (D.Arnstine, F.Bowe, E.Deno, M.Forest, R.Hanich, F.Healy, C.L.Praisner, W.Sailor, G.Wetzel, K.Yamaguchi, Joseph J. Tobin, David Y.H. Wu, Dana H. Davidson, A. Mithout).

Нутқида нуқсони бўлган болалар мактаб таълимига ўтишда ижтимоий дезадаптацияга мойиллиги бўлган хавф гуруҳига кирувчи болалар тоифаси эканлигига қарамай, уларни умумий типдаги мактабгача таълим ташкилотларида тарбиялаш амалиёти юзасидан олиб борилган илмий ишлар сонининг камлиги кузатилди (Л.В.Лопатина, И.Ю.Левченко, О.Г.Приходько, М.Н.Русецкая, М.М.Семаго, А.В.Семенович, О.Н.Усанова, мамлакатимизда Л.Р.Мўминова,

Х.М.Пўлатова, М.Ю.Аюпова, Н.Х.Рахманкулова, Е.Бабаева, В.Веретенникова, Ш.Д.Арипова).

Болалар нутқида кузатиладиган нуқсонларнинг логопедик ташхисловчи методикалар таҳлили асосида умумий типдаги таълим ташкилотларида тарбияланувчи болалар нутқини текшириш, саралаш ва таҳлил этиш босқичларига ажратилиши эҳтиёжини мавжудлиги ҳамда бу мақсадда ўзбек тилининг хусусиятлари инобатга олинган логопедик скрининг методиканинг мавжуд эмаслиги аниқланди (М.Е.Хватцев, М.Ф.Фомичева, Г.В.Чиркина, Т.Б.Филичева; Е.Ф.Архипова; О.Е.Грибова; О.Б.Иншакова; Н.С.Жукова, Е.М.Мастюкова, Л.В.Лопатина, Н.В.Серебрякова; Г.А.Волкова; А.Г.Ипполитова; Н.Ю.Григоренко, С.А.Цибульский; О.Ю.Федосова, Т.А.Фотекованинг каби хорижий олимларининг илмий ишлари, мамлакатимизнинг Л.Р.Мўминова, М.Ю.Аюпова, Д.А.Нуркелдиева, Н.З.Абидова, Ш.М.Арипова каби олимларнинг изланишлари).

Ўтказилган илмий-методик адабиётлар таҳлили асосида умумий типдаги мактабгача таълим ташкилотларида нутқида нуқсони бўлган болалар таълим-тарбиясини ташкил этиш, маълум бир компонентни ривожлантиришга қаратилган илмий тадқиқотлар шаклида акс этганлиги ҳамда мазкур ишларни ташкилотдаги шароитлар, таълимий-тарбиявий жараён хусусиятлари ва боланинг таълимий эҳтиёжларини инобатга олинган индивидуал ривожлантириш режаси асосида амалган оширилиши юзасидан тадқиқотларнинг мавжуд эмаслиги аниқланди.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Давлат мактабгача таълим ташкилотлари шароитида коррекцион-логопедик ёрдам кўрсатиш тизими**» деб номланган. Бу бобда таъкидловчи тажриба-синов ишининг босқичлари, методиканинг мазмуни ва текшириш натижалари ёритилган.

Таъкидловчи тадқиқот 2017-2018 ўқув йиллари давомида олиб борилди. Таъкидловчи тажриба-синов ишлари икки босқичда амалга оширилди.


Биринчи босқичда логопедик скрининг текшируви амалга оширилган бўлиб, унинг мақсади умумий типдаги мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчилари орасида нутқ нуқсонларини тарқалганлик ҳолатини ўрганиш ва сон-миқдор жиҳатдан таҳлил этишга қаратилган. Логопедик скрининг текширувда Тошкент шаҳри Чилонзор туманидаги 204, 284, 286, 287, 262, 267, Учтепа туманидаги 490, Сирғали туманидаги 351, Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 15, 18, 33, 36, Фарғона вилояти Қувасой шаҳридаги 17, 21-сонли умумий типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчи жами 1203 нафар болалар иштирок этиб, уларнинг 611 нафари катта гуруҳ болалари, қолган 592 нафари тайёрлов гуруҳ болалари ташкил этди.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичи олдинги босқичда аниқланган нутқида нуқсони бўлган болалардаги нутқ камчиликларини сифат жиҳатдан таҳлил этиш, шу асосда умумий типдаги мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида нутқ нуқсонлари хусусиятларини ўрганишга қаратилди. Таъкидловчи эксперимент методологиясини ишлаб чиқишда логопедия, психофизиология,

психология, лингвистиканинг қуйидаги фундаментал тушунчаларига асосланилди:

нутқни идрок жараёнининг кўп босқичли тузилиши ҳақидаги ёндашувлар (Е.Н.Винарская, И.А.Зимняя, Л.А.Чистович ва бошқалар); бола нутқининг ривожланиш жараёнида элементар ва олий психик функцияларнинг нисбати ҳақидаги таълимот (Л.С.Виготский, А.Р.Лурия); онтогенезда фонематик функцияларнинг, фонетик, лексик-грамматик компонентларни ривожланиш босқичлари ҳақида илмий маълумотлар (Л.Е.Журова, В.К.Орфинская, Н.Х.Швачкин ва бошқалар); нутқнинг фонетик-фонематик ривожланишининг бузилиши ва нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигида нутқ нуқсонини белгилари ва тузилиши ҳақидаги илмий ғоялар (Г.А.Каше, Р.И.Лалаева, Р.Е.Левина, Л.В.Лопатина, Л.В.Мелехова, Р.И.Маргынова, В.К.Орфинская, О.В.Правдина, Ф.Ф.Рау, Е.Ф.Рау, Э.Я.Сизова, Е.Ф.Соботович, О.А.Токарева, Ю.А.Флоренская, Т.Б.Филичева, М.Е.Хватцев, Н.Х.Швачкин, Л.Р.Мўминова, М.Ю.Аюпова, Х.М.Пулатова ва бошқалар).

Таъкидловчи эксперимент учун логопедик скрининг методикаси ва фонетик нутқ бузилишлари, фонетик-фонематик нутқ бузилишлари ҳамда нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигига эга мактабгача ёшдаги болалар нутқини логопедик текшириш методикалари тузилди. Таъкидловчи тадқиқот учун тузилган барча методикалар А.Лурия, Р.Лалаеваларнинг психолингвистик методикалари, С.Забрамная, И.Левченко, Г.Юсуповаларнинг психологик-педагогик методикалари, С.Цейтлиннинг умумпедагогик, Г.Волкова, О.Грибова, Р.Кириянова, Т.Филичева, Г.Чиркина, Л.Р.Муминова, М.Ю.Аюпова, Ш.Д.Ариповаларнинг логопедик методикалари асосида ўзбек тили хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилди. Бунда психолингвистик назарияга доир нутқий фаолиятнинг кўп босқичли тузилиши, нутқ нуқсонларининг тизимлилиги, руҳий жараёнларнинг яғоналиги ва узвийлиги эътиборга олинди.



1-расм. Умумий типдаги мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчи болалар нутқини шаклланганлик ҳолатини аниқлаш тузилмаси


Лексик материал мактабгача ёшдаги нутқи меъёрда ривожланган (А.Гвоздев, С.Цейтлин) ва нутқи тўлиқ ривожланмаган болалар (Г.Волкова, О.Иншакова, Е.Мастюкова, Л.Р.Мўминова) нутқини ўрганишга доир методик тавсияларга таянган ҳолда сараланди. Материал расмда тасвирланган объект ёки воқеа-ҳодисани таний олмаслик сингари кутилмаган қийинчиликларнинг олдини олиш мақсадида боланинг ижтимоий тажрибасига мос равишда танланди. Материал сюжетли ва предметли расмлар серияси ёки тўплами кўринишида тақдим қилинди.

Логопедик скрининг текширув олти йўналишда амалга оширилди (1-расм). Логопедик скрининг текширув методикаси ҳар бир йўналиш юзасидан бир неча махсус топшириқ ва синамалар комплексидан иборат эди.

Ўтказилган таъкидловчи тажриба-синов натижалари диссертация ишининг асосий матнида келтирилди. Қуйида умумий типдаги мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларини логопедик текширишнинг умумий натижаларини келтирамыз (2-расм).

Логопедик скрининг методикаси асосида текширилган мактабгача ёшдаги болаларнинг 60 фоизи (721 нафари) турли кўринишдаги нутқ нуқсонларига белгиланиб, айрим ҳолларда нутқ нуқсони билиш жараёнларининг ривожланишини орқада қолиши ҳамда аутизм, заиф эшитувчилик, интеллектуал камчиликлар таъсиридаги нутқнинг иккиламчи орқада қолиши билан мураккаблашиш белгиланди.

Фақатгина 40 фоизи (482 нафари) тадқиқ этилган мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг нутқи меъёрий нутқий онтогенезга мослиги аниқланди.



2-расм. Умумий типдаги мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларини логопедик текширишнинг умумий натижалари

Таъкидловчи тадқиқотнинг иккинчи босқичида саралаб олинган умумий типдаги мактабгача таълим ташкилотида тарбияланувчи, нутқида нуқсони

бўлган болаларни чуқур логопедик текшириш амалга оширилди. Мазкур босқичда дастлаб болаларнинг тиббий хариталари, ота-оналар ва педагог ходимлар билан суҳбат асосида анамнестик маълумотлар йиғилди ва таҳлил этилди (3-расм).

Тадқиқот натижасида 5 ва 6 ёшли умумий 721 нафар болаларда турли камчиликлар аниқланиб, уларнинг 420 нафари 5 ёшли болалар ва 301 нафари 6 ёшли болалар ташкил этди. 420 нафар 5 ёшли болаларнинг 276 нафари ўғил болалар, 144 нафари қиз болалар; 301 нафар 6 ёшли болаларнинг 174 таси ўғил болалар, 127 тасини қиз болалар ташкил этди.

Анамнестик маълумотларни таҳлили асосида ҳомиладорликдаги касалликлар (кучли токсикоз, нефропатия, ҳомиланинг пневмонияси, ҳомилани нобуд бўлиш хавфи, анемия, бачадон тонусини ошганлиги ва ҳ.з.) аниқланган 721 нафар болаларнинг 474 нафар оналарида, туғруқ пайтидаги қийинчиликлар 262 нафар оналарда қайд этилди.

Болаларнинг тиббий ҳужжатларини ўрганиш асосида улардан 432 нафари перинатал энцефалопатия, гидроцефало-гипертензион синдром, бўйиннинг туғма қийшиқлиги, ҳомиланинг гипоксияси, гипотрофия, гиперкўзғалувчанлик синдроми, ҳаракат бузилишлари синдроми, минимал мия дисфункцияси, туғма гидроцефалия каби ташхислар билан эрта ёшдан невропатолог рўйхатига олинганлиги аниқланди.

462 нафари бир ёшгача ёшдаги даврда кўп марта респиратор касалликлар, ичак инфекциялари, отит, бронхит, рахит, анемия, гастроэнтерит, аллергик дерматит каби касалликлар билан касалланганликлари белгиланди.




3-расм. Йиғилган анамнестик маълумотлар ва тиббий ҳужжатларни ўрганиш натижалари.

114 нафар боланинг тиббий харитасида миянинг минимал дисфункцияси, 28 нафарида эса, мазкур ташхис билан бирга рухий ва нутқий ривожланишини орқада қолиши ташхиси қўйилган. Мазкур болаларнинг аксарият қисми мактабгача таълим ташкилоти дефектолог рўйхатига олинган бўлиб, коррекцион машғулотларда иштирок этиб келишмоқда, бироқ соматик касалликлар сабабли мактабгача таълим ташкилотига тартибсиз равишда қатнаш, ота-она томонидан ривожланишдаги камчиликларни ўз вақтида коррекциялашга бўлган эътиборсизлик коррекцион-логопедик ишга салбий таъсир кўрсатувчи қўшимча омиллар дея белгиланди.

Таъкидловчи тадқиқотимизнинг кейинги босқичида логопедик скрининг текширув асосида саралаб олинган нутқий ривожланишида камчилиги бўлган болалардаги нутқ камчиликлари чуқур логопедик текширувдан ўтказилди ҳамда нутқини турли компонентларини ривожланиш сифати таҳлил этилди.

Тадқиқ этилган 611 нафар 5 ёшли текширилувчиларнинг 420 нафарида (68,7%), 592 нафар 6 ёшли текширилувчиларнинг 301 нафарида (51%) бирламчи ва иккиламчи нутқий камчиликлар аниқланди. Ривожланишдаги камчиликлар бўлган болаларнинг сонини 6 ёшли болалар орасида нисбатан бир мунча озлиги мактабгача таълим ташкилотидagi ўқитувчи-дефектолог фаолияти, болалик давридаги нутқий компенсатор имкониятлар билан изоҳланди.

Логопедик текширув асосида 5 ва 6 ёшдаги нутқида нуқсонига эга бўлган болаларда аниқланган нутқ камчиликлари қуйидаги гуруҳларга тафовутланди (4-расм):



4-расм. Мактабгача таълим ташкилоти тарбияланувчиларида аниқланган нутқ нуқсонларининг турлари.

Логопедик текширув натижаларини таҳлил этиш асосида умумий типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотлари тарбияланувчилари орасида нутқ

нуқсонлари белгиларини вариативлиги ҳақидаги хулосага келиш имкони пайдо бўлди. Энг кўп тарқалган нутқий камчиликлар орасида товушлар талаффузининг бузилишлари 41,7% (301 нафари)ни ва нутқнинг фонетик-фонематик томонини бузилишлари 30,1% (217 нафари)ни ташкил этди. Нутқ нуқсонларини 11,7% (84 нафари)ни нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги, нутқни просодик томонини бузилишлари (дудукланиш) 6,1% (44 нафари)ни ташкил этди. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, ташхислаш асосида аниқланган ривожланишида нуқсонини бўлган тарбияланувчиларнинг 10,4 фоизида (75 нафари) иккиламчи нутқий ривожланиши орқада қолиши кузатилди. Мазкур ташхислаш атамаси остида аутистик спектрнинг бузилиши, диққат танқислиги ва гиперфаоллик, заиф эшитувчилик, интеллектуал камчиликлар каби генезга эга ҳолатлар ҳам аниқланди.

Логопедик текширув асосида аниқланган маълумотлар умумий типдаги мактабгача таълим ташкилотларидаги 5 ва 6 ёшли тарбияланувчилар орасида нутқ камчиликларига эга болалар сонининг кўплиги; нутқ нуқсонлари орасида эса дизартрия, алалия, дудукланиш каби оғир нутқ нуқсонларнинг ҳам мавжудлиги; ҳатто 6 ёшдаги болаларда ҳам нутқнинг фонетик-фонематик томонидаги камчиликларини, нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлиги ҳолатларини кузатилишини кўрсатди. Ушбу ташкилотларда руҳий ва жисмоний ривожланишни орқада қолишига эга болаларни сонини аҳамиятли даражадалиги ташхисловчи ва коррекцион логопедик ишни ташкил этишдаги бир қатор жиддий камчиликлар ҳақида далолат берди.

Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, скрининг текширув натижалари адабиётлар таҳлили асосида мактабгача ёшдаги болалар орасида нутқ нуқсонларини тарқалганлиги 68%дан юқорилиги ҳақидаги маълумотларни тасдиқлади ҳамда янада тўлдириб, умумтаълим мактабгача тарбия ташкилотларида логопедик иш тизимини такомиллаштиришга бўлган эҳтиёжни далиллади ҳамда долзарблигини тасдиқлади.

Ишнинг учинчи боби «**Болалардаги нутқ камчиликларини бартараф этишнинг коррекцион-логопедик жараёнини моделлаштиришга доир тажриба-синов ишлари ва унинг самарадорлиги**» деб номланган. Унда умумий типдаги мактабгача тарбия ташкилотида нутқнинг фонетик-фонематик нуқсонларига (ФФНН) ва нутқнинг тўлиқ ривожланмаганлигига (НТР) эга болалар нутқини логопедик коррекциялаш бўйича таълимий тажриба-синовининг ташкил қилиниши, ўтказилиши ҳамда натижалари ёритилган.

Таълимий тажриба-синовнинг мазмуни ва методикасини ишлаб чиқишда мактабгача ёшдаги ФФНН ва НТР болалар нутқини ташхислаш ва коррекциялаш бўйича назарий, методик ва амалий материаллар; таъкидловчи экспериментал тадқиқот натижалари ҳамда мактабгача таълим ташкилоти дефектологини иш шароитларини таҳлили асосида олинган маълумотлар ҳисобга олинди. Тадқиқот иши “Мактабгача ёшдаги нутқда нуқсонини бўлган болалар билан коррекцион-ривожлантирувчи иш тизими” экспериментал дастури асосида ташкил қилинди. Мазкур дастурда болаларнинг нутқий имкониятлари билан бир қаторда, улар шу ёшда ўзлаштиришлари лозим бўлган талаблари ҳам ҳисобга олинди. Бунда

“Мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари” ҳамда у асосида ишлаб чиқилган “Илк қадам” Давлат таълим дастурига таянилди.

Таълимий тадқиқот тажриба-синови Тошкент шаҳридаги 286-, 287-, 204-, 490-, Тошкент вилояти Чиноз туманидаги 15-, 18-, 33-, 36-, Фарғона вилояти Қувасой шаҳридаги 17-, 21-сонли умумий типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотлари базасида ўтказилди. Тажриба гуруҳига 100 нафар фонетик-фонематик нутқ нуқсонига эга болалар ва 40 нафар нутқи тўлиқ ривожланмаганлигига эга болалар; назорат гуруҳига эса, махсус таълимий дастурларсиз ўқитилган 100 нафар фонетик-фонематик нутқ нуқсонига эга болалар ва 40 нафар нутқи тўлиқ ривожланмаганлигига эга тарбияланувчилари жалб этилди. Таълимий тажриба-синов ишлари 2018-2019 ўқув йили давомида олиб борилди.

Таълимий тажриба-синов қуйидаги кўрсаткичлар асосида ташкил қилинди: умумий типдаги давлат мактабгача таълим ташкилоти 5-6 ёшдаги тарбияланувчилар орасида нутқ нуқсонларининг (ривожланишдаги нуқсонларнинг) тарқалганлигини ўрганиш бўйича ўтказилган таъкидловчи тажриба-синов натижалари; умумий типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотида ўқитувчи-дефектолог иш фаолиятини кузатиш натижалари; таълимий тажриба-синовни ташкил қилишда нутқ нуқсонига эга бўлган болаларнинг таълим ва тарбияси бўйича коррекцион дастур ҳамда Л.Мўминова, М.Аюпова, Г.Волкова, О.Грибова, Н.Жукова, Х.Пўлатова, Т.Филичева, С.Шаховская, С.В.Григорян, О.А.Степанова томонидан таклиф қилинган йўналишлар ва методик тавсиялар ҳисобга олинди.

Таъкидловчи эксперимент натижалари нутқ нуқсонига эга болаларга мактабгача таълим ташкилоти шароитида логопедик ёрдам кўрсатиш такомиллаштирилган тизимини ишлаб чиқишни тақозо этди. Ана шу мақсадда комплекс-динамик ёндашув асосида нутқ нуқсонига эга болаларни мактабгача таълим ташкилоти шароитида логопедик ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштирилди ва умумий типдаги мактабгача таълим ташкилотида коррекцион-логопедик иш тизими модели такомиллаштирилди (5-расм).

Моделлаштиришнинг асосини умумий типдаги мактабгача таълим ташкилотидаги таълимий-тарбиявий жараённинг мақсадларини ўзида акс эттирган коррекцион-логопедик иш тизими моделини такомиллаштириш ташкил этди. Бунинг учун, тадқиқотнинг эмпирик босқичида умумий мактабгача таълим тизимнинг мақсадлари ва ресурсларига мос дастлабки намунавий модел ишлаб чиқилди; сўнгра ушбу модел соғлиқни сақлаш ва мактабгача таълим тизимидаги мактабгача ёшдаги болаларга коррекцион-логопедик хизмат кўрсатилувчи (ихтисослаштирилган мактабгача таълим ташкилоти, оилавий поликлиника) мавжуд альтернатив тизимлар билан таққосланди. Бунинг натижасида тадқиқот вазифаларини амалга оширувчи муқобил модел шакллантирилди. Шакллантирилган “Умумий типдаги мактабгача таълим ташкилотларида манзилли коррекцион-логопедик ёрдамни ташкил этиш модели” тадқиқотнинг учинчи босқичининг натижаси бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

коррекцион тизимнинг мақсади, вазифалари, тамойиллари ва методлари; мавжуд ва амалда қўлланиб келинаётган ташхислаш, бартараф этиш ва олдини олиш методикаларини аниқлаш, методик таъминотнинг зарурий ва долзарб томонларини белгилаш; таълим жараёнининг иштирокчиларини аниқлаш ҳамда ресурслар билан таъминлашнинг мумкин бўлган вариантларини аниқлаш; фаолият юритишнинг мумкин бўлган ташкилий шакллари белгилаш; логопедик иш йўналишлари ҳамда шакллари белгилаш.

Такомиллаштирилган умумий типдаги мактабгача таълим ташкилотларида манзилли коррекцион-логопедик ёрдамни ташкил этиш модели таълимий, тарбиявий, коррекцион-ривожлантирувчи вазифаларни назарда тутди.

Таълимий вазифа – болаларга билим, кўникма ва малакалар бериш, уларни кенгайтириш ва мустақамлашдир.

Тарбиявий вазифа – болаларнинг шахсий сифатларини тарбиялашни ўз ичига қамраб олади.

Коррекцион-ривожлантирувчи вазифа – нутқ, руҳий жараёнлар ва моторикани ривожлантиришни кўзда тутди.


Юқорида кўрсатилган вазифаларни бажарилиши мактабгача ёшдаги нутқида нуқсон бўлган болаларни нутқ камчиликларини бартараф этишни таъминлайди ҳамда уларни мактаб таълимига тайёрлашга кўмаклашади.

Мактабгача таълим ташкилоти шароитида логопедик ёрдам кўрсатиш шахсининг нутқидаги нуқсонларни бартараф қилишга йўналтирилган махсус усул ва тадбирлар мажмуи бўлиб, нутқида нуқсон бўлган болалар таълим-тарбия жараёнини муҳим ва ажралмас таркибий қисми саналади. Илмий-тадқиқот адабиётларини таҳлили, умумий типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотида дефектолог амалий фаолиятини ўрганиш ҳамда мазкур муассасаларда учрайдиган ривожланишдаги нуқсонларни тарқалганлик ва мураккаблик даражасини экспериментал тадқиқот асосида ўрганиш умумий типдаги давлат мактабгача таълим ташкилотларида фаолият юритаётган дефектолог учун қулай ва самарали иш моделини такомиллаштириш учун асос сифатида хизмат қилди.

Моделни такомиллаштириш жараёнида коррекцион-логопедик ишни ташкил этишнинг қуйидаги тамойиллари аниқланди:

Онтогенетик тамойил нуқсонни юзага келиши жараёнини таҳлил қилишни кўзда тутди. Л.С.Виготскийнинг таъкидлашича, камчиликни генезини тўғри баҳолаш учун ривожланишдаги ўзгаришларни бир-биридан фарқлаш, келиб чиқиши, уларни юзага келиш кетма-кетлиги ҳамда улар орасидаги сабаб-оқибат боғланишларини аниқлаш лозим. Генез билан боғлиқ сабаб-оқибат таҳлилининг амалга ошириш учун нутқий ривожланишнинг ҳар бир босқичида нутқий функцияни тўлақонли шаклланиши учун зарур турли-туман шарт-шароитлар йиғиндисини кўз олдида келтириш муҳим аҳамият касб этади.

Мактабгача таълим ташкилоти коррекцион-логопедик ишдаги комплекслилик тамойили таълим-тарбия жараёнида болаларга тиббиёт, педагог мутахассислари ҳамда ота-оналарнинг ҳамкорлигида таъсир кўрсатишни амалга оширилиши жоизлигини белгилайди.



5-расм. Умумий типдаги мактабгача таълим ташкилотларида манзилли коррекцион-логопедик ёрдамни ташкил этиш модели

Нутқий малакаларни табиий нутқий мулоқот шароитида мустаҳкамлаш тамойили коррекцион машғулотлар ҳамда улардан ташқарида турли коммуникатив вазиятларни моделлаштиришни кўзда тутди. Шаклланган нутқий малакаларни мустаҳкамлаш биз танланган нутқий материални «Илк қадам» давлат ўқув дастури билан чамбарчас боғлашда ўз аксини топди.

Бу тамойиллар нутқ камчилигининг тузилишини тушуниш; бузилиш этиологияси, мазмуни, алоқаларини аниқлаш; етакчи бузилишларни ажратиб кўрсатиш, уни ташхис қилиш, олдини олиш ва бартараф этишнинг илмий асосланган тизими учун муҳим аҳамиятга эга.

Логопедик иш тизими таркибини объект, субъект, педагогик фаолият; таълимий, тарбиявий ва коррекцион ривожлантирувчи таъсирлар ташкил қилади. Коррекцион педагогик иш тизими болаларнинг нутқий имкониятларидан келиб чиқиб, субъектни объектга, объектни объектга таъсири шаклида ташкил этилишини кўзда тутди. Бу тизимдаги иштирокчилар: ота-оналар, тор доирадаги мутахассислар, дефектолог, тарбиячи ва логопедик таъсирга муҳтож бола бўлиб; бунда барча эътибор ва таъсир болага қаратилади.

Нутқида нуқсони бўлган боланинг таълимий эҳтиёжлари ва имкониятларидан келиб чиққан ҳолда коррекцион-логопедик таъсир жараёни моделлаштирилди, шу асосда индивидуал коррекцион-логопедик иш режаси тузилди ҳамда уни амалга оширилиш босқичлари белгиланди. Логопедик иш самарадорлигини ошириш мақсадида тизимнинг ҳар бир босқичида болаларга кўрсатиладиган ёрдамга индивидуал ва дифференциал ёндашув даражаси оширилди.

Мактабгача таълим ташкилотидagi нутқида нуқсони бўлган болаларни барчасини логопедик хизмат билан ўз вақтида ва мақсадга мувофиқ тарзда таъминлаш учун саралаш, ташхислаш методикалари ишлаб чиқилди.

Илмий-методик адабиётлар ҳамда умумий типдаги давлат мактабгача таълим ташкилоти ўқитувчи-дефектолог фаолиятини таҳлил этиш тажрибаси шуни кўрсатадики, таълим олувчи учун энг қулай шароитларни таъминлайдиган ўқув жараёни бу индивидуал таълим бўлиб, унинг мақсади логопедик ёрдамга муҳтож болаларнинг индивидуал хусусиятларини, яъни, иқтидори ва қобилиятини ҳисобга олиб ўқув жараёнини ташкил қилишдир. Индивидуал таълим боланинг имконияти асосида яқка тартибда машғулотларни ташкил этишга қаратилгандир. Шу билан бирга, болаларни дифференциал таълим шаклига таянган ҳолда нутқ нуқсонини хусусияти ва даражасига кўра болаларни кичик гуруҳларда ўқитиш ҳам ўз самарадорлигини кўрсатган бўлиб, дефектолог амалиётида индивидуал таълим шакли билан бир қаторда қўлланилиши муҳим аҳамиятга эгаллиги белгиланди.

Таълимий эксперимент ўз ичига 3 та даврни қамраб олди ва ҳар бир даврда маълум бир вазифаларни ҳал этиш кўзда тутилди.

